



Ҳозирги замон илми шуни таъкидлайдики, ҳомила миясидаги эшитиш билан боғлиқ ҳудуд кўз билан боғлиқ ҳудуддан олдин шаклланар экан. Ҳомила она қорнида турганида эшита бошлайди, аммо кўрмайди. У кўзлари очилишидан анча олдин атрофидаги шовқинларни эшита бошлайди.

Бола туғилгач, ундаги тўлиқ шаклланган сезги аъзоси қулоқ бўлади. Атрофни тўлиқ ҳолда кўрадиган бўлиши учун эса чақалоққа бироз вақт керак бўлади. Масалан, янги туғилган чақалоқнинг кўзи олдида бирор жисм ҳаракатланса, кўзларини пирпиратмаслиги мумкин. Аммо атрофида шовқин, овоз бўлса, ўша тарафга қарашга интилади. Шундай қилиб, қулоқ кўздан олдин шаклланади, эшитиш ҳисси кўриш ҳиссидан олдин ишлай бошлайди.

Инсон ухлаётган пайтда ҳам кўзлари кўрмайди, кўзи устида қўлингизни ҳаракатлантурсангиз, сезмайди. Аммо баланд овозда гапирсангиз, чўчиб уйғониши мумкин. Чунки, эшитиш сезгиси уйғоқ бўлади.

Инсон вафот этиш чоғида ҳам кўзи юмилади, аммо миясидаги эшитиш билан боғлиқ ҳудуд ҳали фаолиятини тўхтатмагани сабабли қулоғи ишлаб туради, атрофни эшитиб туриб, бироздан сўнг эшитмай қолади. Шундай қилиб аввал шаклланадиган аъзо қулоқ ва аввал ишлай бошлайдиган сезги эшитиш бўлса, энг охири фаолиятини тўхтатадигани ҳам эшитиш ҳиссидир.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай деб марҳамат қилган:

**«Бас, қаҳфда уларнинг қулоқларига бир неча йиллар (парда) урдик»**  
(Қаҳф сураси, 11-оят).

Асҳоби Қаҳф (Ғор соҳиблари) ғорга кирганларида уйқуга кетадилар. Аллоҳ таоло уларнинг қулоқларига парда уриб қўйгач, уч юз йилдан кўп муддат ухлайдилар. Ҳа, уларнинг эшитиш сезгилари ҳам ухлатиб қўйилган эди.

Қуръони Каримда «қулоқ», «эшитиш» сўзлари «кўз», «кўриш» сўзларидан олдин зикр қилинганини юқорида айтдик. Бунинг беҳикмат эмаслигини мисоллар билан баён қилдик.

Баъзи Ислом душманлари «Қуръонни Муҳаммад ўзи тўқиб олган» деб даъво қилаётган бўлсалар, у ҳолда Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга бундан ўн тўрт аср аввал бу ҳақиқатларни ким ўргатди? Албатта, бу ҳақиқатларни у кишига барча нарсадан хабардор Зот бўлмиш

Аллоҳ таолонинг Ўзи нозил қилган, таълим бергандир!

***Зағлул Нажжорнинг суҳбатлари асосида***

***Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади***